Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

adolat24.uz/ t.me/Gazeta_Adolat

№ 45 (1511) 2024-YIL 8-NOYABR, JUMA

“Шарофнома”нинг янги саҳифалари

“Атоқли жамоат арбоби Шароф Рашидов уммондаги айсбергга ўхшайди. Бу айсбергни қанчалик ўргансангиз унинг янги қирралари қайтадан кашф бўлаверади”, деб ёзган эди унинг замондошларидан бири. Ҳақиқатан шундай. Бу улуғ зотнинг қолдирган мероси авлодлар учун ҳамиша ибрат бўлиб хизмат қилаверади.

“Шарофнома” саҳифалари янги асарлар билан тўлишиб бораверади.

5



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 31 октябрь №1414 қарорига илова

ЯГОНА САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ



МАХМУДОВА Робахон Анваровна

1958 йилда Фарғона вилояти, Фарғона туманида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
1983 йили Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – ҳуқуқшунос.
2024 йилдан Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси лавозимида фаолият олиб бормоқда.
2020 йилда “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.
Оилали. Икки нафар фарзанди бор.



УМАРОВ Нариман Маджитович

1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
1974 йили Тошкент политехника институтини тамомлаган. Ихтисослиги – муҳандис-гидрогеолог. Геология-минералогия фанлари номзоди.
2020 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари қўмитаси раиси лавозимида фаолият олиб бормоқда.
2012 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган.
Оилали. Уч нафар фарзанди бор.



БОРИСОВА Елена Михайловна

1955 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.
Миллати – рус. Маълумоти – олий.
1978 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган.
Ихтисослиги – даволаш иши, шифокор терапевт.
2020 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раиси лавозимида фаолият олиб бормоқда.
2020 йилда 1-даражали “Саломатлик” ордени билан тақдирланган.
Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

Бугуннинг гапи



ҲАР ЙИГИТДА ҒУРУР БЎЛСИН!

Қўйингки, билим олиш учун барча шароит бор. Лекин, афсуски, энди яратилган шароитга яраша муносиб жавоб йўқ.
Сабаби, кўпчиликнинг фикру зикрини маиший ҳаёт ҳирси эгаллаб олган. Уяли телефонга уя қуриб олган минглаб вируслар инсонларни ўзлигидан, ору номусидан, ғуруридан узоқлаштириб қўйган.
Асрлар давомида иш бериб келган китоб камбағалга кераксиз матоҳ, бойга безак буюми, ёшларга ҳеч нарса бўлиб қолди.
Ёппасига барчанинг қўлини телефон, фикрини ижтимоий тармоқ банд қилиб, ўзига қул қилиб олди. Бу қуллик Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, етовига юрганни манқуртга айлантира бошлади.
Манқурт эса ҳар қандай лаҳзада ўз онасининг кўксига ўқ уза олади.

6

Огоҳ бўлинг!

– Мен шифокор ва икки фарзанднинг онасиман, **– дейди Нилуфар Яздонова.** – Биз азалдан миллий қадриятларга содиқ халқмиз, аммо охирги пайтлар чет эл маданиятига тақлид қилиш кучайиб кетди. Квадробикани спорт тури деб қараш нотўғри. Болаларимизда ҳали тўлиқ фикрлаш шаклланмасдан туриб, қанақадир чет эл маданияти билан онги тўлиб қоляпти. Улар ҳали бу тўғри ёки нотўғри эканини билишмайди. Шунчаки тақлид қилишади. Шунинг учун ўсмир ёшдаги фарзандлари бор ота-оналар фарзандлари билан кўпроқ вақт ўтказиши, қизиқишлари ҳақида доимий сўраб бориши керак, деб ўйлайман. Яна бир томони, ҳаммамиз биладиган “Uzum Market” савдо платформасида ҳам квадроберлар кийими сотилар экан. Буни ҳам тақиқлаш керак, менимча.



КВАДРОБИКА: Ахлоқий инқироз сари йўл

5

Диққат!
Обуна – 2025
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши нашри
“ADOLAT” ижтимоий-сиёсий газетаси учун
2025 йил учун обуна давом этмоқда



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



САЛИМОВА Манзура Алимовна

1962 йилда Марғилон шаҳрида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
1985 йили Андижон тиббиёт олийгоҳини тамомлаган.
Ихтисослиги – педиатр.
Меҳнат фаолиятини 1985 йил Фарғона шаҳридаги Болалар шифохонаси шифокор интерни сифатида бошлаган.
2021 йилдан Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда.
2023 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.
Оилали. Икки нафар фарзанди бор.



КУРБОНБОЕВ Мақсудбек Комулович

1973 йилда Хоразм вилояти, Қўшкўпир туманида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
1997 йили Тошкент давлат аграр университетини тамомлаган.
Ихтисослиги – иқтисодчи.
2020 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда.
2019 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.
Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.



КОМПОЛЬШИК Елена Александровна

1966 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган.
Миллати – рус. Маълумоти – олий.
1989 йили Самарқанд давлат университетини тамомлаган.
Ихтисослиги – рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.
2020 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда.
2021 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.
Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2024 йил 31 октябрь №1414 қарорига илова

ЯГОНА САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ



ДЖАНИБЕКОВА Нодира Абдусаломовна

1973 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.
Миллати – қирғиз. Маълумоти – олий.
1995 йили Гулистон давлат университетини тамомлаган.
Ихтисослиги – тарих, жамиятшунослик, давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари ўқитувчиси.
2020 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси лавозимида фаолият олиб бормоқда.
2021 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.
Оилали. Уч нафар фарзанди бор.



ИСМАИЛОВ Дилмурод Махмудович

1980 йилда Наманган шаҳрида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
2001 йили Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган.
Ихтисослиги – ҳуқуқшунос.
2020 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда.
Оилали. Уч нафар фарзанди бор.



АБДУВОХИДОВА Гулнорахон Абдуғаниевна

1971 йилда Андижон вилояти, Хўжаобод туманида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
2002 йили Андижон давлат университетини тамомлаган.
Ихтисослиги – педагог (ҳуқуқшунос).
2022 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсманнинг) Андижон вилоятидаги минтақавий вакили сифатида фаолият олиб бормоқда.
2021 йилда “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланган.
Бир нафар фарзанди бор.



ТЎХТАМУРОДОВ Беҳзод Тоир ўғли

1996 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
2020 йили Тошкент давлат техника университетини тамомлаган.
Ихтисослиги – муҳандис механик.
2022 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси.
2019 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.



ЯКУБОВ Шухрат Умматалиевич

1981 йил Наманган вилояти, Чортоқ туманида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
2004 йили Ички ишлар вазирлиги академиясини тамомлаган.
Ихтисослиги – ҳуқуқшунос. Юридик фанлар доктори (DSc), профессор.
2024 йилдан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Таълим муассасалари фаолиятини таҳлил қилиш бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият олиб бормоқда.
Оилали. Уч нафар фарзанди бор.



РАШИДОВА Надира Илхамовна

1973 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
1996 йили Қорақалпоқ давлат университетини тамомлаган.
Ихтисослиги – ҳуқуқшунос.
2024 йилдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва медиация бошқармаси бош маслаҳатчиси лавозимида фаолият олиб борган.
2019 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.
Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2024 йил 31 октябрь №1413 қарорига илова

БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ



6-АНДИЖОН САЙЛОВ ОКРУГИДАН

АДХАМЖОНОВА Мавлудахон Хамзаевна

1974 йилда Андижон вилояти, Андижон туманида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
1997 йили Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаган.
Ихтисослиги – даволаш иши.
2020 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда.
Оилали, уч нафар фарзанди бор.



38-СУРХОНДАРЁ САЙЛОВ ОКРУГИ

МАВЛОНОВ Зуҳриддин Эркинович

1984 йилда Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
2006 йили Термиз давлат университетини, 2010 йили Ўзбекистон Миллий университетини тугатган.
Ихтисослиги – ўқитувчи, ҳуқуқшунос.
2024 йилдан Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг раиси сифатида фаолият олиб бормоқда.
Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.



48-ТОШКЕНТ САЙЛОВ ОКРУГИ

ХАЛБАЕВА Дилрабо Джурабековна

1979 йилда Тошкент вилояти, Тошкент туманида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
2010 йили Москва давлат университетини тамомлаган.
Ихтисослиги – менежмент соҳаси.
2020 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда.
2023 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.
Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.



52-ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ

ВАЛИЕВ Мухаммад Шералиевич

1986 йилда Фарғона вилояти, Қўқон шаҳрида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
2008 йили Петербург давлат темир йўл университетини тамомлаган ва мазкур университетда 2011 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ихтисослиги – муҳандис-механик локомотивлар. Техника фанлари номзоди, доцент.
2021 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси ҳамда 2022 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссия раиси сифатида фаолият юритмоқда.
Оилали. Бир нафар фарзанди бор.



57-ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ

ЮНУСОВ Зиёдбек Алишерович

1988 йилда Фарғона вилояти, Фарғона туманида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
2010 йили Фарғона политехника институтининг бакалавр йўналишини, 2013 йили Корея Республикаси Донгук университетининг магистратура йўналишини, 2018 йилда шу олийгоҳ докторантурасини тамомлаган. Техника фанлари доктори. Ихтисослиги – микроэлектроника, қаттиқ жисм нур манбалари соҳаси.
2024 йилдан ҳозирги вақтга қадар Фарғона политехника институти халқаро ҳамкорлик бўйича проректор лавозимида ишлаб келмоқда.
Оилали. Икки нафар фарзанди бор.



61-ХОРАЗМ САЙЛОВ ОКРУГИ

ПАЛВАНОВ Тахир Марксович

1975 йилда Хоразм вилояти, Янгиариқ туманида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
2000 йили 1-Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиалини тамомлаган. Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори.
Ихтисослиги – даволаш иши шифокори.
2019 йилдан Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти кенгаши раиси ҳамда 2020 йилдан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази Хоразм вилоят филиали директори лавозимида фаолият олиб бормоқда.
Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2024 йил 31 октябрь №1413 қарорига илова

БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ



67-ҚАШҚАДАРЁ САЙЛОВ ОКРУГИ

ҲАЙИТОВ Эркин Шаймардонович

1978 йилда Қашқадарё вилояти, Қамаши туманида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
2000 йили Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясини ҳамда 2006 йили Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабини тугатган.
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.
Ихтисослиги – ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос.
2020 йилдан «Яйлов хўжалигини ривожлантириш» уюшмаси раиси сифатида фаолият юритиб келмоқда.
Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.



70-ТОШКЕНТ ШАҲАР САЙЛОВ ОКРУГИ

АГЗАМОВА Гулрух Анваровна

1968 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
1990 йили Москва давлат университетини ҳамда 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Ихтисослиги – файласуф, ижтимоий-сиёсий фанлар ўқитувчиси. Фалсафа фанлари номзоди.
2020 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда.
2008 йилда «Меҳнат шуҳрати», 2023 йилда «Дўстлик» орденлари билан тақдирланган.
Оилали. Уч нафар фарзанди бор.




72-ТОШКЕНТ ШАҲАР САЙЛОВ ОКРУГИ

АБДУЛЛАЕВА Ойдин Утамурадовна


1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.
Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий.
1999 йили Тошкент давлат консерваториясини тамомлаган. Ихтисослиги – бастакор, мусиқашунос ўқитувчи. Мусиқа санъати ихтисослиги бўйича профессор.
2020 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда.
2000 йилда «Зулфия» номидаги давлат мукофоти ҳамда 2021 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

2020 йилда одамлар тобора кўпроқ ҳайвонларга тақлид қила бошлади. Тренд ижтимоий тармоқларда ҳам тарқалди. Ўсмирлар ўзларини турли ҳайвонлар билан идентификациялаш, уларнинг хатти-ҳаракатларидан нусха олиш фаоллашди. Квадробика болалар ва ўсмирларга турлича таъсир қилиши кузатилган. Шунинг учун фарзандларимиз неча ёшда бўлишидан қатъи назар ота-оналар жуда эътиборли бўлиши муҳим.
Чунки трендлар ҳар қандай ёшга акс таъсир ўтказиши ҳеч гап эмас.



Огоҳ бўлинг!

КВАДРОБИКА:



Ахлоқий инқироз сари йўл

Тасаввур қилинг: йўлда кетаётганингизда қаршингиздан бирор ҳайвон, айтайлик, ит чиқиб қолди. Табиийки, бир лаҳзада сергак тортасиз. Чунки инсон фитрати йўлни кесиб ўтаётган ёки кўчадаги ҳар қайси ҳайвондан доимо эҳтиёт бўлиш кераклигига ишора қилади. Бу табиий инстинкт. Ҳа, хўп, деб йўлни давом эттирмоқчисиз. Бироқ мазкур ҳолатда ҳайвоннинг нима қилшини олдиндан тахмин қила олмаслик туфайли ножўя ҳаракатдан сақланиб, иш тутишга мажбур бўласиз. Аммо яқинлашиб келганингизда, у ҳайвон эмас, балки ит қиёфасидаги одам бўлиб чиқса-я? Лекин бу ҳам майли, у буни парвойига келтирмай, сизга ташланса... Бундан ортиқ бемаънилик бўлмаса керак, шундайми? Кўпчилик учун бу ҳол ҳаётдаги оддий вазият эмас, балки бироз ғалати, ҳатто бир муддат саросимага солувчи жараёндир.

Илҳомжон АБДУСАЛОМ,
«Адолат» СДП Марказий аппарати етакчи мутахассиси

Квадробика билан шуғулланаётганлар айнан шу усул орқали ўзларини намоён этишга уринишади. Улар кўча-кўйда, жамоат жойларида ҳайвонлар сингари қадам ташлаб, ўзига хос "перформанс" кўрсатиш орқали диққатни жалб қилади. Бу ҳолатда бир савол туғилади: уларнинг асл мақсади нима бўлиши мумкин? Ўзларига қаратилаётган кўзлар, ажабланган ва ҳайратланган нигоҳлардан қандай маънони англаса бўлади? Қуйида шу жиҳатларни кўриб чиқамиз.

БИЛАРМИДИНГИЗ?

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 10 октябрь куни Тошкентнинг айрим кўчаларида ҳайвон ниқобидаги "квадробер" учратилгани, 11 октябрда эса яна бир "квадробер" йўловчиларга ит қиёфасида ҳужум қилгани ортидан ижтимоий тармоқлардаги ўзбек сегментида квадробикага нисбатан норозилик кучайди. Шу билан бирга, унинг ижтимоий ва ахлоқий таъсири юзасидан кескин баҳслар бошланди. Боиси ўқиш, иш ва оила ришталари билан боғланган одатий кундалик ҳаёт тарзи учун бу кутилмаган, норозилик уйғотувчи ҳолатда қарши олинди. "Ҳа, энди нима бўлибди? Ёшлар бир шўхлик қилса қилибди-да, шунга пашшадан фил ясаш керакми?!" деб ўйлашга шошилмай, бердисини эшитинг.

Квадробика оддий қизиқиш эмас, балки замонавий ёшлар онгини забт этишга ҳаракат қилаётган ўзига хос субмаданият. Хўш, бу нимани англатади? Биласиз, қадим замонларда ҳайвонларга тақлид қилиш инсоннинг табиатга уйғунлашув ва унинг бир қисми бўлиш ҳиссини уйғотган. Аммо бугун бу ҳаракат ўзгача кўринишда пайдо бўлди ва ёшлар орасида ҳайвонларга тақлид қилиш, уларнинг ҳаракатлари билан ўзини ифода этиш орқали ўз "мени"ни излаш йўлига айланди. Бу нимадан далолат беради?

– Менимча, квадробикани жиддий қабул қилиш учун бошқа сабаблар ҳам бор, **– дейди журналист Суғдиёна Саид қизи.** *– Чунки Ғарбда шахсий эркинлик ўз доирасига шундай ҳуқуқларни ҳам қамраб олганки, агар шахс одам танасида ўзини ноқулай ҳис этса, демак, у аслан бошқа мавжудот бўлиб яралиши керак. Ҳатто бу яратиқ қурбақа, арслон, мушук, ит ёки бошқа жонзот бўлиши ҳам мумкин. Квадроберларнинг айнан ҳайвон ниқобини тақиши шунга ишора. Мафкуравий фронт ўчоғига айланган Ер куррасининг ҳали квадроберизм характеридаги сиёсий ҳийланайрангларнинг кўпига тилсиз гувоҳ бўлади. Нега айнан ҳайвон қиёфаси гавдалантирилади дейишса, жавоб шундайки, квадроберизмни пропаганда қилиш орқали, аввало, кишилик жамиятини инсоний қиёфадан маҳрум этиш, фақат одам боласигагина хос бўлган ҳис-туйғуларни аста-секин маҳв этиш мақсад қилинган.*

ЯНГИ ҲОДИСА ЭМАС!

Маълумотларга кўра, аввалларида квадробика кўпчилик учун табиатга бўлган ишқ, ҳайвонларни асраб-авайлашга бўлган интилиш сифатида қабул қилинган бўлса, замонавий квадробика ҳаракати айримлар учун ҳаёт тарзига айланиб қолган. Бугунги кунга келиб эса бу ижтимоий субмаданият жаҳоннинг айрим ҳудудларида ўсиб бормоқда, бунда одамлар турли ҳайвон қиёфаларига киради, уларнинг ҳаракатларига имитация (тақлид) қилади, ҳатто ҳайвон қиёфасида яшашга интилган ҳолда ёки у билан идентификацияланишга ҳам уринади. Квадробиканинг замонавий шакли кўплаб манбаларда "фурри" ва шу каби субмаданиятларга бориб тақалади. Бу ҳаракат 1980-йилларда Америкада пайдо бўлиб, тезда ёшлар орасида қизиқиш уйғотди ва кейинчалик бошқа мамлакатларга ҳам ёйилди.

– Аслида квадробика янги ҳодиса эмас. Дастлаб, 2000 йилларда пайдо бўлган спорт йўналиши. Унинг асосчиси япониялик спринтер Кенинчи Ито ҳисобланади. 2020 йилда одамлар тобора кўпроқ ҳайвонларга тақлид қила бошлади. Тренд ижтимоий тармоқларда ҳам тарқалди. Ўсмирлар ўзларини турли ҳайвонлар билан идентификациялаш, уларнинг хатти-ҳаракатларидан нусха олиш фаоллашди. Квадробика болалар ва ўсмирларга турлича таъсир қилиши кузатилган. Шунинг учун фарзандларимиз неча ёшда бўлишидан қатъи назар ота-оналар жуда эътиборли бўлиши муҳим. Чунки трендлар ҳар қандай ёшга акс таъсир ўтказиши ҳеч гап эмас, **– дейди инстаблогер, жамоатчилик фаоли Ҳумоюн Жўраев.**

Қайд этилганидек, унда дастлабки иштирокчилар ўзига ёққан ҳайвон образларини жонлантирган. Улар учун бу оддий кўнгилочар ёки ўзини ифода этишнинг бир йўли бўлиб, ҳайвонлар хусусиятлари, уларнинг ҳаётига яқинлашиш ва шу орқали ўз шахсиятини топиш воситаси эди. Тасаввур қиляпсизми: ёшлар жамиятдан узоқлашиб, сўнгги чора сифатида ҳайвоний кўринишлар ортига беркиняпти. Бир қарашда ёшлар учун янги ҳис-туйғуларни, чегарасиз "эркинлик"ни таклиф этадиган бу фаолият уларнинг феъл-атворини шакллантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Аммо квадробиканинг фалсафий ва ахлоқий тамойиллари чуқур таҳлил қилингудек бўлса, натижа унчалик ҳам ижобий эмаслиги ойдинлашади.

СПОРТ ТУРИ ДЕБ БАҲОЛАЙ ОЛАМИЗМИ?

– Квадробика ҳаракатини спорт тури сифатида қараш мумкинми? Агар спорт орқали жисмоний ва руҳий баркамолликка эришиш мақсад қилиб қўйилса, квадробикада ёшлар нафақат жисмоний ҳаракатларга урғу бериб, балки ички эҳтиёжлар ва кутилмаган хулқ-атворларни намоён қилишга интилишади. Бу ҳаракат жисмоний ривожланиш ўрнига, ёшларнинг онги, ҳис-туйғулари ва шахс сифатида шаклланишларини ўзгартириб юборади. Оқибатда, ёшлар дунёқараши ўзгариб, ҳайвоний инстинктларга асосланган қиёфага кириб қолишади, **– дейди психолог-консультант Муножат Шерова.**

Психолог фикрича, квадробикага эргашувчилар, одатда, инсонийлигини четга суриб, ҳайвоний табиатни устун қўйишга ҳаракат қиладилар. Буни айримлар табиатга яқинлашиш, инсон ва ҳайвонлар ўртасидаги боғлиқликни кучайтиришга уриниш сифатида талқин қилади. Лекин унда ёшлар ҳайвонларга хос ҳаракатлар қилиш, уларнинг агрессив хатти-ҳаракатларини ўзлаштириш ва буни ўзига "спорт" деб билишни одат қилиши биз учун яхши сигнал эмас.

– Бир қарашда бундай фаолият ёшлар учун янги ҳис-туйғулар, экстремал ва адреналинга бой тажрибаларни таклиф қилади, шу билан бирга, жамиятдаги эркинлик руҳини қўллаб-қувватлаётгандай кўринади. Бироқ мутахассис сифатида бу ҳаракатни чуқурроқ таҳлил қилганимизда, квадробика ортида ётган бир қанча салбий жиҳатлар намоён бўлади. Бу ҳаракат ёшлар учун "мен ҳам борман, мен ҳам ўзгача инсонман" деган ҳисни уйғотиш воситаси бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Аммо, аслида, уларнинг бу "жимжимадор" уринишлари табиий ҳис-туйғуларни йўқотиш, ўзликни англашни етарли даражада ривожлантирмасликка олиб келади. Квадробика уларнинг онгига салбий таъсир этиб, атрофдаги инсонларга нисбатан безътиборлик, ҳатто агрессияга мойилликни кучайтиради, **– дейди руҳшунос Нозим Аминов.**

АХЛОҚ ВА ҚАДРИЯТЛАРГА ТАҲДИД

Бугунги замон турли салбий ахлоқий кўринишлар билан инсониятни ўзига жалб қилиб, айрим ҳолларда миллий қадриятларимизга, оилавий тарбиямизга ва урф-одатларимизга соя солмоқда. Жумладан, "квадробика" деб аталаётган янги субмаданият ана шундай омиллар қаторидан ўрин олди. Аслида ушбу субмаданият ҳайвонларнинг ҳаракатларини, турмуш тарзи ва хулқ-атворини такрорлашга даъват этувчи, қисман жисмоний ҳаракатлар асосида шаклланган ижтимоий феномен сифатида юзага келди. Бироқ бу феномен замонавий ижтимоий нормалар ва ахлоқий тушунчалар билан кескин тўқнашяпти.

– Квадробикани тақиқлашга шошилмаслик керак, **– дейди копирайтер Нигора Абдуллажонова.** *– Яъни уни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш лозим. Бу ҳаракат нега ёшлар орасида шиддат билан тарқалмоқда? Нима учун одамлар квадробикликка қизиқмоқда? Ижтимоий психология, оммавий маданият ва шахсий мотивацияни инобатга олган ҳолда таҳлил қилиш зарур. Айни пайтда, илмий хулосалар ва тегишли кўрсатмалар берилмаган экан квадробиклик ҳақида умумий баҳо чиқариш ўринсиз. Илмий асослар ва таҳлилсиз бу ҳолатга оддий гаплар ёки тақиқлар билан ёндашиш самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Мен шахсан ҳали бирон марта ҳам квадроберлар билан яқиндан суҳбатлашмаганман. Учратган тақдиримда, албатта, уларнинг қарашлари, қизиқишлари ва ҳиссиётларини англашга интилардим.*

– Квадробика ҳодисаси миллат ва жамият учун жиддий хавф туғдиради, **– дейди педагог Нилуфар Турсунхўжаева.** *– У инсонни ўзлигидан, инсоний қадрият ва мақсадларга интилишдан узоқлаштиради. Бу ҳаракат шунчаки ҳаёт тарзининг бир кўриниши бўлиши мумкин эмас; у аслида ақлсизлик, ахлоқсизлик ва инсониятнинг асл моҳиятидан чекинишга йўналтирилган очиқчасига ҳайвонлашишдир. Демак, биз педагоглар, ота-оналар ва жамиятнинг бошқа етакчилари сифатида бундай ҳодисаларнинг олдини олишда ўзимиз ҳам фаоллик кўрсатишимиз лозим. Ёш авлодга маънавий қадриятларимизни ўзида акс эттирувчи фойдали машғулотлар таклиф этиб, уларга муносиб йўл кўрсатиш бизнинг бурчимиздир. Инсон онги ва маънавиятига таҳдид солувчи бундай ҳодисаларга жамиятда жой йўқ.*

ФИКРЛАР ТУРФА ХИЛ, ЕЧИМ БОРАСИДА АНИҚ ҚАДАМЛАР КЕРАК!

Маълумотларга кўра, Тошкентдаги вазиятдан сўнг *квадробикага* қарши курашиш ва салбий таъсир чораларини қўллаш орқали ёшларни ёт ғоялардан асраш мақсадида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги ота-оналарни фарзандларини ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш бўйича ўзларининг маънавий бурчи ва қонуний мажбуриятларини бажаришга чақириб, махсус баёнот билан чиқди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига биноан, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги, шунингдек, "Таълим тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси боланинг ўқиши, тарбияланиши, жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланиши учун масъуллиги қайд этилди.

"Шунингдек, вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ўз болаларини инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаши шарт. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши БҲМнинг 5 баробаригача (1 миллион 875 минг сўмгача) жаримага тортишга сабаб бўлади", дейилади ИИВ баёнотида.

Бироқ бизни ўйлантирган жиҳати – машҳур интернет дўконлари, маркетплейслар, онлайн савдо платформаларида очиқдан очиқ сотилаётган маълум бир ҳайвон қиёфасидаги аксессуарлар савдоси бўлди.

– Мен шифокор ва икки фарзанднинг онасиман, **– дейди Нилуфар Яздонова.** *– Биз азалдан миллий қадриятларга содиқ халқмиз, аммо охирги пайтлар чет эл маданиятига тақлид қилиш кучайиб кетди. Квадробикани спорт тури деб қараш нотўғри. Болаларимизда ҳали тўлиқ фикрлаш шаклланмасдан туриб, қанақадир чет эл маданияти билан онги тўлиб қоляпти. Улар ҳали бу тўғри ёки нотўғри эканини билишмайди. Шунчаки тақлид қилишади. Шунинг учун ўсмир ёшдаги фарзандлари бор ота-оналар фарзандлари билан кўпроқ вақт ўтказиши, қизиқишлари ҳақида доимий сўраб бориши керак, деб ўйлайман. Яна бир томони, ҳаммамиз биладиган "Uzum Market" савдо платформасида ҳам квадроберлар кийими сотилар экан. Буни ҳам тақиқлаш керак, менимча.*

Хулоса ўрнида: **мазкур ноқулай ва ёқимсиз манзарага баъзи Мағриб давлатларида кўз ўрганган бўлса, ўтган ойда юртимизда кузатилган ҳолатлар кенг жамоатчиликни сергак торттирди. Тўғри, ҳеч ким фарзандини бўйинидан боғлаб, ҳайвонлигини кўз-кўз қилишга орзуманд бўлмайди, лекин ҳали кеч бўлмасидан бу иллатга қарши муросасиз кайфиятда бўлсак, кутилган натижага эриша оламиз.**

Очиқ айтиш керак, бу иллат ҳам миллат қадриятлари, урф-одатлари, ахлоқий меъёрларидан чалғитувчи навбатдаги ҳийла, назаримизда.

Халқ учун мураккаб ва масъулиятли дамларда унинг келажагини белгилаб беришга қодир, миллат тақдири, юрт бахт-саодати учун ўзини бахшида этган улуғ зотларнинг халоскор сиймо сифатида дунёга келиши ҳаёт тақозосидир. Ана шундай сиймолар юртимиздан кўплаб етишиб чиққан. Улардан бири XX асрда Ўзбекистонда 40 йилдан ортиқ давлат ишларида фаолият юритган, шундан салкам чорак аср республикамизга раҳбарлик қилган Шароф Рашидов эди.

Тақдимот



“ШАРОФНОМА”нинг янги саҳифалари

Гуласал КАМОЛОВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

Ш.Рашидов коммунистик ҳукмронликнинг энг оғир шароитларида ўз сафдошлари билан биргаликда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини астойдил ҳимоя қилди, мустаҳкамлади, уни халқаро майдонга олиб чиқишга ҳаракат қилди.

Буюк давлат арбоби, таниқли адиб, ўзбек халқининг етук фарзанди Ш.Рашидов ҳаёти, фаолияти, инсон ва шахс сифатидаги улуғвор ишлари борасида кейинги йилларда кўплаб асарлар яратилди **Сиёсий фанлар доктори, профессор Тўлқин Алимардоновнинг “Шароф Рашидов” деб номланган илмий-оммабоп асари** шулардан биридир.

Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан Шароф Рашидов таваллудининг 106 йиллигига бағишлаб нашрга тайёрланган китобда муаллиф давлат, жамият ва халқ тарихи муносабатларига доир илмий, назарий қарашларни шахс фаолияти билан уйғун тарзда таҳлил қилар экан, унинг миллат ҳаётида тутган ўрнини Шароф Рашидов тимсолида очиб беради. Асарда давлат арбобининг қолдирган улкан мероси, ўз даврининг зиддиятли эврилишлари халқ ва шахс, давлат ва сиёсат тарихига оид кўплаб маълумотлар қиёсан ўрганилган. Мутолаа давомида китобхон шўролар давлатига қарамлик пайтида миллатнинг ҳақиқий фидойи фарзанди томонидан Ўзбекистонда кўплаб улуғвор ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини ҳаққоний далиллар асосида англаб етади.

Яқинда республика “Улуғбек” жамғармаси ташаббуси билан жамғарма биносида ушбу китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимот маросимини тарих фанлари доктори Фазлиддин Равшанов олиб борди.

Дастлаб “Улуғбек” жамғармаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, академик Оқил Салимовнинг тақдимот қатнашчиларига кутлови ўқиб эшиттирилди. Шундан кейин “Шароф Рашидов” китоби хусусида Амир Темур жамғармасининг раиси, атоқли шоир Муҳаммад Али, академик Аҳмадали Асқаров, шоира Сайёра Тўйчиева, сиёсий фанлар доктори Нарзулла Жўраев, журналист Камол Матёқубов, жамоатчилик вакили Муҳиддин Полвонов ва бошқалар сўз юритдилар.

“Атоқли жамоат арбоби Шароф Рашидов уммондаги айсбергга ўхшайди. Бу айсбергни қанчалик ўргансангиз унинг янги қирралари қайтадан кашф бўлаверади”, деб ёзган эди унинг замондошларидан бири. Ҳақиқатан шундай. Бу улуғ зотнинг қолдирган мероси авлодлар учун ҳамиша ибрат бўлиб хизмат қилаверади.

“Шарофнома” саҳифалари янги асарлар билан тўлишиб бораверади.

Донолар бисотидан

Кучли ақл эгалари ҳеч қачон итоаткор бўлмайди.

Жек ЛОНДОН

Улуғ ёшда ўқиб-ўрганишдан уялманг: ҳеч қачон ўрганмагандан кўра кеч бўлса-да, ўқиб-ўрганган яхшироқ.

ЭЗОП

Бугуннинг гапи



Қўйингки, билим олиш учун барча шароит бор. Лекин, афсуски, энди яратилган шароитга яраша муносиб жавоб йўқ. Сабаби, кўпчиликнинг фикру зикрини маиший ҳаёт ҳирси эгаллаб олган. Уяли телефонга уя қуриб олган минглаб вирус-лар инсонларни ўзлигидан, ору номусидан, ғуруридан узоқлаштириб қўйган. Асрлар давомида иш бериб келган китоб камбағалга кераксиз матоҳ, бойга безак буюми, ёшларга ҳеч нарса бўлиб қолди. Ёппасига барчанинг қўлини телефон, фикрини ижтимоий тармоқ банд қилиб, ўзига қул қилиб олди. Бу қуллик Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, етовига юрганни манқуртга айлантира бошлади. Манқурт эса ҳар қандай лаҳзада ўз онасининг кўксига ўқ уза олади.

ҲАР ЙИГИТДА ҒУРУР БЎЛСИН!

Гарчи орадан эллик йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, болалик давримиз воқеалари ҳамон кечагидай эсимда. Ўтмишни бугунги кун билан таққослаш ва хулоса чиқариш учун дастлаб тарихга айланган аччиқ қисматимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга қарор қилдим.

Муҳиддин ОМАД,
«Адолат» СДП Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

...Ёзги таътилдан сўнг акаларимизнинг кийимларини кийиб, ундан-бундан сўраб олган тўрт-бешта китобни сиёҳ ранги уриб кетган бўз халтамизга солиб, ўзгача ҳиссиёт ва ғурур билан мактабга жўнардик. Мактаб у қадар олисда бўлмаса-да, қуёшли кунларда тупроқ тўпиққача, ёмғирли кунларда лой белгача чиқарди. Алам қиладиган жойи, ўқиш бошланиб, ҳали дарсликларни варақлашга улгурмасимиздан, синф раҳбаримиз қовоғини уйиб, ҳаммага иккитадан этак улашарди: "Ўқиш тугади, эртадан пахта теримига чиқамиз".

Ёш бола бўлишимизга қарамай, бу топшириқни Ватан олдидаги бурч, деб ҳисоблаганимиз учунми, чурқ этмасдан рози бўлардик. Шу кетганча совуқ тушиб, токи қор ёққунга қадар тишимизни тишимизга босиб, далама-дала кезиб, пахта терардик. Кўрак юлардик. Бармоқлар учи ёрилиб, қонаб кетса-да, ғуруримиз йиғлаб, оҳ-воҳ чекишга йўл қўймасди. Ҳафтада бир келадиган кўчма дўкондан, ишлаб топган пулимизга вазелин, изолента сотиб олиб, бармоқларимиз учига ўраб-чирмаб олардик-да, ишга киришардик.

Ниҳоят, қиров тушиб, изғиринли кунлар бошланган паллада теримни бас қилиб, телпак, пальто, фуфайка, чопон, этик кийган ҳолда қадрдон мактабимизга қайтардик. Синфимизга чўян печка ўрнатилган бўлиб, келишимиздан олдин қоровул ўт ёқиб, иситиб қўярди. Лекин пол ёриғидан, деразанинг синган ойнасидан хонамизга совуқ кириб турарди. Шамол туриб қолса, синф тутунга тўларди. Бу ҳолга парво ҳам қилмасдик, қолиб кетган дарсларни етказиб олиш учун ўқитувчимиз қирқ беш дақиқа ичида икки-учта мавзуни тушунтириб, қолганини уйга вазифа қилиб берарди.

Уйга борсак, кўча эшик олдига совуқдан қорайиб кетган бир тўп кўсак тўкиб кетилган бўларди. Уни уйга ташиб, токи пахтасини чувиб олмагунимизга қадар бошимизни кўтармасдик. Ота-онамизга ташлаб қўйишга ғуруримиз йўл бермасди. Кечки пайт ўчоқда тезак, ғўзапоя ёқиб, унинг чўғини сандалга солиб, атрофида ўтириб, хира чироқ ёки шам ёруғида тун ярмигача вазифа тайёрлардик.

Шароит оғир бўлишига қарамай, ғурур билан ҳарбий бурчимизни ўтаб келдик, ғурур билан олий ўқув юртларига кириб ўқидик, ҳар биримиз танлаган соҳамизнинг мутахассиси бўлиб етишдик ва бундан ҳали-ҳамон ғурурланиб яшаб келяпмиз.

Ўша даврда катта ёшдагиларга биздан-да оғир эди. Улар эрта баҳордан то кеч кузгача, тонг қоронғусидан шом қоронғусигача далада бўлишарди. Тирикчилик учма-уч бўлгани учун на уй солишга, на палос олишга қурби етмасди уларнинг. Динга қаттиқ қаршилик қилинарди. Ибодат қилиш у ёқда турсин, Яратган Зотни тилга ололмасди ҳеч ким. Намоз, ҳаж ибодати ва умра зиёрати, рамазон ойи рўзаси, ҳайит байрамлари ушалмас орзудай эди. Одамлар руҳан қўрқув ичида яшарди. Айб топиб, қаматиб юбориш осон эди. Рўзғор учун энг керакли саналган ғўзапояни нуқул ер музлаб, қор ёққан пайтдагина йиғиштириб олардик. Сўроқсиз тўй қилиб бўлмасди. Давлат идорасида ишлаган партия ходими ҳатто ота-онасининг жанозасида қатнаша олмаган дамлар бўлган...

Истиқлол туфайли халқ ўзлигини топди, унут бўлган тарихини, Ватан мустақиллиги учун курашган, лекин жосус, миллатчи тамғаси босилиб, отилган, сургун қилинган кишилар аслида ватанпарвар сиймолар эканини англаб етди. Қатағон қурбонлари оқланди, хотираси абадийлаштирилди. Ва ниҳоят, халқ мустабид тузум пайтида, айниқса, 1937-53 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одамнинг қатағонга учрагани, уларнинг 13 минг нафари отиб ташланганини изтироб билан ёдга ола бошлади. Афсуски, тазйиқлар мустақилликка эришиб, токи ҳақ-ҳуқуқимизни таниб олгунимизга қадар давом этди ва минглаб юрт-дошларимиз адолатсизлик қурбонига айланди. "Пахта иши", "ўзбек иши" деган сохта айбловлар билан 40 минг киши тергов қилинди, 5 минг нафари жиноий жавобгарликка тортилди. Бу ҳол жафокаш халқнинг қаддини букиб қўйди. Лекин ғуруридан айира олмади. Охир-оқибат ҳақ қарор топти. Халқ букилган қаддини тиклади.

Замон қанча қалтис, таъқиб нақадар кучли бўлмасин, қалбида ғурури бор бўлган миллат ҳеч қачон енгилмаслиги аён бўлди.

Юқорида эсга олинган дамлар бугун худди эртак воқеаларига айланиб қолди. Енгил ҳаёт ботқоғига шўнғиб кетганлар аллақачон ўтмишини унутиб бўлди. Эркинлик ортидан тўкинлик, тўкинлик ортидан сочинлик кириб келиши кишиларни енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўргатди.

Эндиликда янги ўқув йили ясан-тусан, дабдаба билан бошланадиган бўлиб қолди. Ота-оналар фарзандларини етаклаб, бозорма-бозор кезиб, кийим-бош танлашади. Кийимларнинг бир тўпи байрамона бўлса, иккинчиси мактаббоп бўлади. Илм даргоҳлари ўқув мавсуми олдидан оқланиб, чангу ғуборлардан тозаланиб, синф хоналари ёруғ, иситиш тармоқлари шай, компьютер ва мониторлар тахт қилиб қўйилиб, ўқув йилини байрамона кайфиятда кутиб оладиган бўлдик. Мактаб остонасига илк қадам қўйган жажжи болажонларга дарслик ва ўқув қуроллари билан тўлдирилган Президент сумкалари улашилади. Энг асосийси, на ўқитувчида, на ўқувчида пахта терими деган ташвиш йўқ. Чунки устозлар ҳам, шогирдлар ҳам бундай қуллик асоратидан озод қилинган. Мактабга бориб-келар йўллар равон, ёруғ, яшаш хонадонлари замонавий.

Қўйингки, билим олиш учун барча шароит бор. Лекин, афсуски, энди яратилган шароитга яраша муносиб жавоб йўқ. Сабаби, кўпчиликнинг фикру зикрини маиший ҳаёт ҳирси эгаллаб олган. Уяли телефонга уя қуриб олган минглаб вирус-лар инсонларни ўзлигидан, ору номусидан, ғуруридан узоқлаштириб қўйган. Асрлар давомида иш бериб келган китоб камбағалга кераксиз матоҳ, бойга безак буюми, ёшларга ҳеч нарса бўлиб қолди. Ёппасига барчанинг қўлини телефон, фикрини ижтимоий тармоқ банд қилиб, ўзига қул қилиб олди. Бу қуллик Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, етовига юрганни манқуртга айлантира бошлади. Манқурт эса ҳар қандай лаҳзада ўз онасининг кўксига ўқ уза олади.

Бир пайтлари ёт сиёсат воситасида миллат ғурури таҳқирланган бўлса, айни пайтда ижтимоий тармоқ янги йўл топиб, ёшлар онгини заҳарлашга эришмоқда. Афсуски, бу ҳолатга кўпчилик бефарқ.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фарзанд тарбияси ҳақидаги фикри шундай: ***"Билгин! Бола тарбияси энг муҳим ишлардандир. Фарзанд ота ва онага омонат. Бола қалби пок, нозик, содда ва ҳар қандай нақш ва суратдан холи гавҳардир. Унга қандай нақш солинса, шунга кўра шаклланади, эгган томонга эгилади. Агар бола яхшиликка ўрганиб, яхшилик ичида вояга етса, дунё ва охират саодатини топади. Албатта, бу савобга унинг ота-онаси, муаллими ва унга тарбия берган ҳар бир киши шериқдир. Агар бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, ёмонлик ичида ўсса, бадбахтликка юз тутади ва ҳалок бўлади. Бунда гуноҳ юки шу кўйга солганларнинг, ота-онанинг зиммасига юкланади".***

Дарҳақиқат, тарбия кўрмаган фарзанд Ватанга муҳаббат, халқига ҳурмат ҳиссидан йироқда бўлади.

Орамизда ўз фарзандининг келажагини ўйлаётган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Ана ўшалар ҳисобига бугунги кунда ҳам орамизда иқтидорли ёшлар бор. Норинлик дўстим Акмалжон Ҳайдаров ана шундай хислат эгаси бўлган ўғлидан фахрланади. Унинг айтишича, нуфузли олийгоҳнинг инглиз гуруҳида таҳсил олаётган ўғли Ўктамжонга америкалик устози: *"Нега сизда катта ёшдаги эркаклар ёзнинг иссиқ кунида футболка, шўртик кийиб юришмайди. Ўзларини қийнаб, узун кийинишади?"* деган мазмунда савол берибди. Шунда Ўктамжон ажнабий устозига: *"Ҳурматли домла, бизда ёши улуғ одамлар калта-култа кийиб юрса уят бўлади"*, дебди. Инглиз домла бу гапнинг мазмунига тушунмагандай елка қисиб қўйибди. Ахир биргина уят сўзи – ҳаё, номус, ор, фаросат каби чуқур маъноларни англатишини у қаердан билсин?! Уят – шарқ аҳли, жумладан, ўзбеклар учун тенгсиз бир қадрият эканини билмаган одамга бунинг маъносини англатиш осон эмас. Бироқ кўр-кўрона ғарбона "маданият"га эргашиб, ўз қадриятларидан узоқлашиб бораётган бугунги ёшлар тарбиясига ким айбдор? Баъзан оммавий тадбирларда ўғил болаларга атласнусха нимча кийдириб, саҳнага олиб чиқилмоқда. Бу кимнинг ихтироси? Ўғил болаларни заифона кийинтиришни қайси "модапараст" кашф этган? Шу ҳолатда улғайган йигитдан миллат фидоийси, Ватан ҳимоячиси етишиб чиқадими?

Тан олиш керак, мустақиллик халқимизга чиндан ҳам эркинлик эшикларини ланг очиб берди. Бу очиқликни ҳар ким ўзи хоҳлаганча яшашга ҳақли деган тушунча билан қабул қилди ва кимдир қурувчиликни, кимдир бузғунчиликни танлади. Муҳитга ҳамоҳанг тарзда одамларнинг феъл-атвори ҳам ўзгариб борди. Бир сўз билан айтганда, порлоқ келажак сари интилаётган бўлсак, қарши кучлар ҳам шу қадар ичимиздан емиришга, энг аввало, ғуруримизни поймол этишга киришди. Бу айни замонда турмуш тарзимизга ўз таъсирини ўтказа бошлади.

... Одамлар кўз ўнгида барваста йигит йўлда кета туриб, бир аёлни туртиб юборди. Аёл ўтириб қолди. Йигит парво қилмай йўлида давом этди. Аёл унинг ортидан: *"Ҳей йигит, нарсанг тушиб қолди"*, дея чақирди. Йигит келиб излай бошлаганди. Аёл унга: *"Сен эркаклик ғурурингни йўқотдинг, энди уни асло тополмайсан!"*, деди. Йигитни совуқ тер босди, йўл қўйган хатосидан пушаймон экани юз-кўзида зоҳир бўлди.

Ғурур миллат учун улуғ неъмат. Бу неъмат, албатта, оилада шаклланади. Лекин ота ва она қалбида бундай неъматнинг илдизи қуриган бўлса, бола уни қаердан топсин?!

Кўҳна тарихимизга назар ташласак, боболаримиз ғурур бобида юксак поғонада турганлигига гувоҳ бўламиз. Соҳибқирон Амир Темурдай зот набираларини жанговар машқларда тоблаб, илмга даъват қилгани ва миллат қадриятларини мурғак қалбларга сингдиргани боис, шаҳзодалар қалбида миллий ғурур ҳисси шаклланган.

Айни замонда боболару оталар бу масалада бефарқ. Ортида қолаётган ворисининг жисмоний тарбияси, билими ва хулқи билан қизиқмайдиган одам ўз юртининг мағлуб бўлишига ҳисса қўшаётган кўрнамак қаторидадир. Менимча, бу масалада бош қотиришнинг вақти келди. Улуғ аллома Алихонтўра Соғуний: ***"Онги очилмаган, билимсиз бир миллат ўз душманлари олдида кушхонага ҳайдалаётган бир тўп ҳайвондан ҳеч қандай айирмаси йўқдир. Инсоннинг ўзига энг яқин ҳалокатли душмани онгсизлик, илмсизликдур. Шунга кўра, Аллоҳ таоло Қуръоннинг биринчи сурасини ўқиш, билдириш, ёзиш калимаси билан бошламиш эди. Пайғамбаримиз эркак-аёл, ўғил-қиз демай бутун умматларини илм ўқишга буюрдилар. Зеро, илм ҳам бир қуролдирки, у ўз ўрнида қилич ва милтиқдан кўра кучлироқдир",*** деганди.

Бироқ ижтимоий тармоқлар ва телеэкранларда намойиш этилаётган "шоу"ларда баъзи "ака"ларнинг бачкана қилиқлари ва кийинишлари, ўзларини тутишлари ёшларда йигитлик ғурурини сўндиришга хизмат қилмоқда. Бундай хавфли иллатлар миллат келажагига хавф солиши турган гап.

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст қарийб қирқ йиллар аввал ёзган "Лолазор" романида: ***"Яна ўн беш-йигирма йилдан кейин жамиятнинг бор оғирлиги бугунги мактаб ўқувчиларининг елкасига тушади, токи биз уларнинг миясини юксак илмлар билан тўйинтирмас эканмиз, келажакда нуқул чаласавод одамларга кунимиз қолади. Бу ҳол – мантиққа ҳам, сиёсатга ҳам зид",*** деган маънили фикрларни илгари сурган экан. Афсуски, айни пайтда ёзувчи башорат қилган палланинг иккинчи босқичига етиб келдик. Айнан лоқайдлигимиз туфайли ўрта авлод китоб ўқишдан бегона бўлиб ўсди. Бу ҳолат худбинлик иллатининг авж олишига сабаб бўлди. Худбин ўзидан бошқани, ҳатто ота-онасини ҳам ҳурмат қилмайдиган феълни юқтириб олди. Ваҳоланки, ота-она ўғил фарзанд кўрса, уйимнинг чироғини ёқадиган, Ватаним чегарасини қўриқлайдиган йигит биттага кўпайди, деб қувонарди. Дарҳақиқат, орият посбони, номус ҳимоячиси бўлишдек масъулият ўғил фарзанднинг зиммасида бўлган. Лекин ҳозир ҳам шундайми? Бу масалада бутун бошли жамият жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, бундай масъулият барча ташкилот-муассасалар, ижтимоий тармоқлар, телеканаллар зиммасига ҳам юклатилган.

Йигитларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жанговар машқларда пишитиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиб қолиши керак. Токи, жажжи болакайлар келажакда инжиқ, танноз, олифта бўлиб эмас, сипоҳлардай шаҳдам, салобатли, ориятли, босиқ, бир сўзли ва зукко йигит бўлиб улғайсинлар. Зеро, юксак маданият, маънавият ва қадрият эгаси бўлган ўзбек халқига бачканалик ярашмайди.

Етти ёшимда отамдан:
– Қачон бизнинг ҳам Майкл Жексонникидай катта уйимиз бўлади? – деб сўрардим.
Отам менга қараб:
– Бу амалга ошмайдиган орзу, – дерди.
Вақтлар ўтиб мен, ҳатто, унданда катта уйга эга бўлдим, бироқ энди унда отам йўқ эди. Шу пайт:
– Катта уйим бўлмасада, қанийди отам қайтиб келса! – дея орзу қила бошладим.
Унутманг, пул бу ҳамма нарса дегани эмас.

Криштиану РОНАЛДУ



Донолар бисотидан

Ўғриларнинг энг хавфлиси – аҳмоқлар: улар ҳам вақтингизни, ҳам кайфиятингизни ўғирлайдилар

АРИСТОТЕЛЬ

Ўзингни ҳаммадан кўра ақллиман, деб ҳисоблама. Бу энг катта аҳмоқликдир.

Вольтер СКОТТ

Аҳмоқлар билан сира баҳслашманг, улар сизни ҳам ўзининг даражасига туширади ва тажрибасини юқтиради.

Марк ТВЕН

ADOLAT
Муассис: "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Зуҳра ИБРАГИМОВА, Наримон УМАРОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Гавҳар АЛИМОВА, Абдукамол РАҲМОНОВ, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқаюм Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарқ тонги" кўчаси, 23-уй.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1100

Адади – 3 004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.